



**А Ж Р И М**  
**(Аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида)**

**Пешку туман**

**2023 йил 27 март 4-2005-2301/ [REDACTED] сонли иш**

Пешку туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Кушшаев раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Сатторов котиблигида аризачи [REDACTED] сининг жавобгар [REDACTED] ига нисбатан банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили [REDACTED] (ишончнома ва буйруқ асосида)нинг иштирокида Пешку туман давлат солиқ инспекцияси биносида очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

[REDACTED] (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) [REDACTED] (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади)да солиқ тўловчи ҳисобланади.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда “Солиқ кодекси” деб юритилади) 273-моддасининг биринчи қисмига асосан аризачига 2023 йил учун юридик шахслар ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этмаган.

Шу сабабли аризачи иқтисодий судга ариза билан муурожаат қилиб, жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Ишда иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш, иш кўзғатиш ва ишни суда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим нусхалари юборилган. Суд ажрими жавобгарга етказилганлигини тасдиқловчи маълумот иш ҳужжатларида мавжуд.

Жавобгар суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида лозим даражада хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади. Ариза юзасидан ўз эътирозларини судга тақдим қилмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади) 220-моддасининг биринчи қисмига кўра суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи



тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд, ушбу қонун нормасига асосланиб, иқтисодий ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризани қувватлаб, бироқ шу қаби иқтисодий иш ҳам мавжуд эканлигини билдириб, аризани қаноатлантириб беришни сўради.

Суд, аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатлари ва аризачи томонидан судга тақдим қилган маълумотномани ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, ҳакамлик суди, арбитраж суди иш юритувида айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, даъво аризаиси кўрмасдан қолдирилиши белгиланган.

Кўринишича, мазкур иқтисодий иши бўйича суд иш юритувида [REDACTED] айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд.

Демак, даъво аризаиси ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан кўрмасдан қолдирилиши лозим бўлади.

Бундай ҳолатда суд, даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

ИПК 116-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд чикимлари суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатдир.

Суд, суд харажатларини ундириш қисмини муҳокама қилиб, аризачи ва жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинганлигини инобатга олишни, иқтисодий иш электрон шакллантирилганлиги сабабли почта харажати ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 107-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, 108, 195, 196-моддаларига асосланиб, суд

**а жримқилди:**

Ариза кўрмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тараф бир ой муддатда Пешкў туманлараро иқтисодий суди орқали юқори судга апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Судья С.Кушшаев**

